

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ХИТОЙ ТИЛИГА БАДИИЙ АСАРЛАР ТАРЖИМАСИ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336063>

DSc. Ҳамидов Хайрулла Худоёрович,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
«Таржимашунослик ва халқаро журналистики»
кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада ўтган асрнинг 60-йилларидан бугунга қадар хитой тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хитой тилига таржима қилинган бадиий асарлар санаб ўтилиб, истиқболда ушбу таржималар устида илмий тадқиқотлар қандай йўналиши ва мавзуларда олиб борилиши кераклиги таъкидланиб, ёш изланувчиларга асарлардаги бадиий санъатлар, пейзаж, портрет, интерьер, персонажлар нутқи, фразеологизмлар қай даражада талқин этилгани, ижодкорлар эришган ютуқлар ва йўл қўйган камчиликларни таҳлил қилиш, шу асосда асарларнинг хитойча таржималари аслиятга қанчалик мос эканлигини кўрсатиши каби аниқ таклифлар берилади.

Калим сўз ва иборалар: адабий алоқалар, жаҳон адабиёти, бадиий таржима, билвосита таржима, миллийлик, бадиийлик, адекватлик, аслият услуги.

Annotation: This article lists the works of art translated from Chinese to Uzbek and from Uzbek to Chinese from the 60s of the last century to the present day. artistic arts, landscape, portrait, interior, the speech of the characters, the extent to which phraseology is interpreted, in-depth analysis of the achievements and shortcomings of the creators, works based on comparative analysis. Specific suggestions are given, such as showing how well the Chinese translations correspond to the original.

Key words: literary relations, world literature, artistic translation, indirect translation, nationality, artistry, adequacy, original style.

XX аср охири ва XXI аср бошларида дунё халқлари ўзбек адабиёти, маданиятини бадиий таржима воситасида янада яхшироқ таний бошлади. Адабиёт соҳасидаги алоқаларни кучайтириш, миллий адабиётимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қараётган халқларга нималар тақдим этишимиз мумкинлиги масаласи кун тартибидан ўрин олди. Бу даврда таржима асарлари миллий адабиётларнинг бебаҳо мулкига айланиб, юз йиллар давомида халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, ҳаётни англаш фалсафаси, яшаш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва улар билан яқиндан танишишда муҳим аҳамият касб эта бошлади [Khomidov 2021: 201].

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан интеграциялашуви фаол ривожланиб бораётган, ХХР билан муносабатларда сифат ўзгаришлари юз бераётган бугунги кунда ушбу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган жараёнлар, хусусан адабий алоқалар жараёнининг ўрганилиши долзарб масалалардан бирига айланди.

Маълумки, Хитой билан тўлақонли муносабатлари ўрнатилган давр Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларига тўғри келади. Бу даврда барча соҳаларда бўлгани каби санъат, маданият ва адабиёт билан бир қаторда таржима соҳасида ҳам баъзи ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда таниқли адабиётшунос олим, таржима соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ижодкор, таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг куйидаги фикри-

ни келтириб ўтмоқ жоиз: “(Бугун) ўзбек адабиёти намуналари жаҳон тилларига асл ўзбекчадан ўгириляпти. Бу бениҳоя хайрли иш бўлиб, миллий миқёсда улуг маданий ўзанга тушиб олмай иложи йўқ. Хатто бир қанча номлару бир қатор асарларни қувонч билан санаб кўрсатиш мумкин. Аммо бу бепоён жаҳон адабиёти океани олдида ҳали зарралар. Энди шу зумрад зарралар бизни тўғри уммон стихияларига етаклаб боради. Бунинг учун йиллар керак ва бу буюк аслиятдан таржима ишларини ҳеч сусаймас ва орқага қайтмас тарзда зиммасига оладиган масъулиятли мутахассислар керак. Бу ерда ҳаваснинг ўзи етарли эмас. Бу ерда бир тилни яхши, иккинчи тилни чала ё қониқарли билиш ҳам етарли эмас” [Ғафуров 2019:9]. Олим бу билан бадиий таржиманинг бугунги ҳолатига муносиб баҳо бергандай, назаримизда.

Маълумки, бадиий наср ёки назм матнларида тил нафақат маълумотни етказиб бериш воситаси, балки уни бадиий жиҳатдан қайта яратиш, асарнинг эстетик қимматини ташувчи восита ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари, бадиий асар бегона маданият ҳақидаги маълумотлар манбаи ҳам саналади.

Тарихи ва маданияти бизга унчалик таниш бўлмаган хитойликлар билан дўстлик ришталари бадиий таржима орқали мустаҳкамлана бошлади. Ўзбек адабиёти сўнгги салкам 70 йил ичида хитой адабиётининг ўнлаб дурдона асарлари билан бойиган бўлса (1-рўйхат), сўнгги йилларда хитой адабиёти ҳам атоқли ўзбек адиблари қаламига мансуб машҳур асарлар билан бойиди (2-рўйхат). Жумладан, таниқли ўзбек адиби А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, О.Ёқубовнинг “Диёнат”, Ў.Ҳошимовнинг “Нур борки, соя бор” романи ва “Дунёнинг ишлари” қиссаси [Hoshimov 2005] хитой тилига таржима қилиниб, Ўзбекистонда ва Хитойда нашр этилди. Бу ўз-ўзидан таржимашунослик фанига катта материал берди. Бугунга қадар эътибордан четда қолиб келаётган ўзбек тилидан хитой тилига ўгирилган бадиий асарларни таржима танқиди нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, уларнинг бадиий савияси, сифатини баҳолаш ва таржимон маҳорати масалалари кун тартибига қўйди.

1-рўйхат

XX асрнинг 50-60 йилларида Ўзбекистонда хитой тилидан таржима қилинган асарлар рўйхати

1. Хэ Цзинчжи, Дин И. Сочи оқарган қиз (рус. Седая девушка), таржимон: Аҳмад Бобожон. – Тошкент: 1954.
2. Лу Синь. Қадрдон кишлоғим (рус. Родное село), Холида Ахророва. – Тошкент: 1956.
3. Хуа Шань. Хўроз патли хат (рус. Письмо с петушиными крыльями), Н.Юсупова. – Тошкент: 1954.
4. Лу Синь., Чжао Шу Ли. Хитой ҳикоялари (рус. Китайские рассказы), Комил Пўлатов. – Тошкент: 1954.
5. Мао Дунь. Ҳикоятлар, Хусан Руҳиматов, Фатхиддин Насриддинов. – Тошкент: 1954.
6. Хитой ёзувчиларининг ҳикоялари, Комил Пўлатов. – Тошкент: 1958.
7. Сан Шань Фей. Ўнта кичик дўстим (Десять маленьких друзей), Амина Жалолова. – Тошкент: 1956.
8. Лу Синь. Танланган асарлар, Хусан Руҳиматов, Фатхиддин Насриддинов. – Тошкент: 1959.
9. Чжан Тянь. Катта Линь билан Кичик Линь, Хусан Руҳиматов. – Тошкент: 1954.
10. Ба Цзинь. Оила, Фахриддин Насриддинов. – Тошкент: 1950.
11. Лао Шэ. Уйдан хат. – Тошкент: 1963.
12. Ли Бай. Лирика. – Тошкент: 1958.
13. Го Можо. Танланган шеърлар. А.Абдураззоқ. – Тошкент: 1963.
14. Лин Юнь. Ипак йўли. А.Абдураззоқ. – Тошкент: 1962.
15. Хитой халқларининг афсона ва эртаклари (Легенды и сказки народов Китая), Хусан Руҳиматов, Фатхиддин Насриддинов. – Тошкент: 1961.

16. Хитой ва корейс халқ эртаклари (Сказки народов Кореи и Китая) . – Тошкент: 1957.
17. Лао Шэ. Мушуклар салтанати, Бахтиёр Омон. – Тошкент: 1996.
18. Лао Шэ. Мушуклар шаҳри хотиралари, Э.Эрназаров. – Тошкент: 2016.
19. Пу Сунлинг. Лао Чжай ривоятлари, М.Х.Маҳмудхўжаев, Ж.Т.Зиямуҳамедов. – Тошкент: 2003.
20. Лао Чжай. Пу Сунлинг новеллалари, Ж.Т.Зиямуҳамедов. – Тошкент: 2012.
21. Пу Сунлинг ва Ўрта аср хитой новеллалари, Ж.Т.Зиямуҳамедов. – Тошкент: 2016.
22. Болалар учун ҳикоялар. Ж.Зиямуҳамедов ва Дилшод Бадалбаев.
23. Моя Ян. Мусаллас мамлақати (Амир Файзулла). – Тошкент: 2019.

2-рўйхат

XX асрнинг 2017-2022 йилларда ўзбек тилидан хитой тилига таржима қилиниб, Ўзбекистон ва Хитойда нашр этилган асарлар рўйхати

1. Abdulla Qodiriy. O'tkan kunlar. 往昔 Wǎngxī. (Tarjimon: 邸小霞 Dǐ Xiǎoxiá). – 北京: 中国社会科学出版社, 2019. – 381 页.
2. O'tkir Hoshimov. Dunyoning ishlari. 生活琐事 Shēnghuó suǒshì. (Tarjimon: Valiyeva Noiba). – Toshkent: TDSHU, 2021. – 180 bet.
3. O'tkir Hoshimov. Nur borki, soya bor. 有光必有影 Yǒu guāng bì yǒu yǐng. (Tarjimonlar: Dildora Ismailova, 赵蓉 Zhào Róng, 管玉红 Guǎn Yùhóng). – Toshkent: “BAYOZ”, 2022. – 280 bet.
4. Odil Yoqubov. Diyonat. 良心 Liángxīn. (Tarjimonlar: 粟周熊 Sù Zhōuxióng, 高昶 Gāo Chǎng). – 北京: 北京出版社, 1982. – 393 页.

Асарлардаги миллий хусусиятларнинг таржимонлар томонидан қай савияда қайта ярата олингани, асарлардаги бадий санъатлар, пейзаж, портрет, интерьер, персонажлар нутқи, мақол ва фразеологизмлар қай даражада талқин этилгани, ижодкорлар эришган ютуқлар ва ижодий меҳнат жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ҳар томонлама кенг ҳамда чуқур таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил асосида ўзбек ҳикоялари, қиссалари ва бошқа жанрда ёзилган асарларнинг хитойча таржималари асл нусха билан қанчалик мос эканлигини кўрсатиб, айрим мунозарали масалаларнинг ечими бўйича назарий ва амалий таклифлар бериш вақти келди.

Шунингдек, машҳур ўзбек ёзувчилари каламига мансуб асарларни хитой тилига ёки аксинча ўзбек тилига таржима қилишнинг ўзига хосликларини қуйидаги аспектларда илмий ўрганиш таклиф этилади:

- миллийликнинг таржимада акс этишида реалияларнинг ўрни;
- хитойчага таржимада лисоний адекватлик масалалари;
- бадийликни ифодалаш воситалари ва таржимада диалоглар, персонажлар портретининг берилиши;
- сўз – асар контексти ва таржимада бадий талқин воситаси;
- таржимада «сохта эквивалентлар» муаммоси;
- таржимада сўз танлаш масаласи;
- таржимада мақол, матал ва фразеологизмларнинг берилиши муаммолари
- таржимон маҳорати – таржималарнинг бадий савиясини белгиловчи омил.

Шунингдек, таржимашунослик тадқиқотларида миллийлик ва бадийликни таржимада акс эттириш усул ва воситалари, эквивалентлик ва лисоний адекватлик, муаллифлар қўллаган бадий санъатларнинг таржимада берилиши баробарида бушунги кун таржимашунослигида кўп дуч келинаётган таржиманинг лингвомаданий аспекти,

муқобилсиз лексика, бадий таржиманинг психолингвистик хусусиятлари ва когнитив асосларини ўрганишни ҳам таржимашунослик тадқиқотлари доирасига киритиш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Ана шу йўналишда олиб борилажак янги тадқиқотлар амадий таржимада учраётган муаммоларнинг сабабларини ёритиш ва шу асосда янги назарий хулосалар чиқаришга кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[Ғафуров 2019] – Ғафуров И., Бадий таржима нусха кўчириш эмас, мақола, Ижод олами, Адабий-бадий, илмий, ижтимоий-иқтисодий журнали, 2019-йил, 2-сон (14), 8-11-б.

[Khomidov Kh.Kh 2021] – Khomidov Kh.Kh. Translation Of Common Words And Phrases In The Novel «Dats Gone By» Abdulla Kadiri // Current Research Journal of Philological Sciences. Volume-1, Issue-1, 2020. – P. 12-18 (№23, SJIF: 5.823). Khomidov Kh.Kh. Regarding The Transference Of Metaphors In Uzbek Novels In Turkish Translations // Asian Journal of Multidimensional Research. Volume-9, Issue-4, 2021. – P. 200-205 (№23, SJIF: 7.699).

[Hoshimov 2005] – Hoshimov O‘., Dunyoning ishlari, qissa. –T.: 2005.- 208 b.